



ЁШЛАР БАНДЛИГИ

«ҲАЁТДА ЎЗ ЎРНИМНИ ТОПИШНИ ХОҲЛАЙМАН»

Касб-ҳунар коллежларини битириб чиқаётган йигит-қизларнинг истаги шундай

Шаҳноза Давронова Гиждувон агросаноат касб-ҳунар коллежи битирувчиси. Унинг келгусида режалари кўп, мақсадлари жуда катта. Масалан, ўқув муассасасини тамомлагач, ўз мустақил ишини йўлга қўймоқчи. Ёшлигидан чеварчиликка қизиққани учун шу соҳа билан шуғулланишга аҳд қилган. Демак, ҳаракатни бугундан бошлаши керак.



Шаҳноза керакли технологик жиҳозлар учун кредит олишга қарор қилди. Банкининг талабларини ўрганиб, бизнес-режа тўзди. Унинг интилиши қўллаб-қувватланди. ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан Бухоро вилоятининг қатор туман-

ларида ўтказилган амалий семинарлар чоғида 30 нафар коллеж битирувчиси тақдим этган лойиҳаларни амалга ошириш масаласи ҳақида ҳам сўз борди. ЎзХДПнинг «Микрокредит-банк» АТБ ва Хотин қизлар

қўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган тадбирларда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, банк ходимлари ва мутахассислар ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ке-

раклигини таъкидлашди. Йиғилишда айтилганидек, бу йил вилоятда 80 та касб-ҳунар коллежи, 8 та академик лицейи 114 йўналиш бўйича 25 минг 678 нафар ёш битириб, меҳнат бозорига кириб келмоқда. Битирувчиларни эгаллаган мута-

хассислигига мувофиқ ишга жойлаштириш бўйича чоралар белгиланган. Ҳозиргача 25 минг 453 нафар битирувчи билан уч томонлама шартномалар тузилди.

➤ Давоми 2-бетда.

МУНОСАБАТ

■ ҲАР БИР СОҒЛОМ ФИКРЛИ КИШИ ЎЗ ҲАЁТИ, МАНФААТИ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ, РАВНАҚИГА БЕВОСИТА ДАХЛДОР БЎЛГАН ВОҚЕА-ҲОДИСАГА ҚИЗИҚИШ БИЛАН ҚАРАЙДИ, УНГА ШАХСИЙ МУНОСАБАТИНИ БИЛДИРИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАДИ.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИДА ОММАВИЙ АҲБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ БИЛАН БЎЛГАН СУҲБАТДА БИЛДИРГАН ФИКРЛАРИ ШУ КУНЛАРДА КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК, ХУСУСАН, ПАРТИЯДОШЛАРИМИЗ, ФАОЛЛАРИМИЗ ВА ДЕПУТАТЛАРИМИЗ ТОМОНИДАН ҚИЗГИН ЎРГАНИЛМОҚДА.

ТАҲРИРИЯТИМИЗГА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ҲАР БИР ҲУДУДИДАН ҚўНФИРОҚЛАР БЎЛМОҚДА. ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР БИЛДИРИЛГАН МАКТУБЛАР КЕЛМОҚДА.

Тинчликни кўз қорачиғимиздек асраш керак



Собитхон ТУРҒУНОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

— Дунёда халқлар, миллатлар кўп. Лекин уларнинг орасида тинчликни, хотиржамликни бизнинг халқимиз каби қадрлайдиган, эъозлаб-ардоқлайдиган халқ кам учраса керак. Тинчлик тушунчаси ота-боболаримиз улуғлаган қадриятларга, қўндалик ҳаёт тарзимида, онгимизга, бир сўз билан айтганда, қон-қонимизга сингиб кетган. Турли давраларда ёши улугларимиз фотиҳага қўл очса, дунё тинчлигини сўрайди. Икки одам учрашганда, аввало, бир-бирига тинчлик-омонлик тилайди.

Хотира майдонида Президентимиз тинчлик, унинг аҳамияти ва қадри ҳақида билдирган фикрлар мустаҳкам ҳаётий асосларга эга ва халқимиз кўнглининг ифодасидир.

«Бизнинг халқимиз кўпчилик халқлар қатори нимани истайди, нимани хоҳлайди — бизга тинчлик керак, бизга омонлик керак! Эртанги кунимиз ёруғ, осмонимиз мусаффо бўлсин, барчамиз орзу-ниятимизга етайлик!»

Бизга, қолаверса, ер юзидаги барча халқларга ана шундай, бир қарашда жуда оддий, лекин аниқ нарсалар керак!

Яхшилаб ўйлаб кўрайлик, бу сўзларда халқимизнинг мақсад-муддаоси, таъбир жоиз бўлса, ҳаёт фалсафаси мужассам эмасми?.. Бугун дунёда бўлаётган воқеалар, турли сиёсий низо ва ихтилофлар кучайиб бораётган бир шароитда Президентимиз сўзларидан хулосалар чиқариб олишимиз керак бўлади.

Дарҳақиқат, жаҳоннинг турли минтақа ва ҳудудларида қонли можаролар, халқаро терроризм, экстремизм,

наркотрафик каби ёвуз хавф-хатарлар кучайиб бормоқда, фашизм деган бало яна бош кўтармоқда, миллатчилик, шовинизм сингари офатлар майдонга чиқмоқда.

Шундай кескин вазиятда мамлакатимизда пухта ўйланган сиёсат юритилаётгани турли хатарларнинг олдини олмақда. Ўзбекистон таҳдид ва хавфларнинг Марказий Осиё минтақасига тарқалишига тўсик қўймоқда.

Республикаимиз минтақамизда ва глобал миқёсда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган деярли барча халқаро ҳужжатларга қўшилган. Мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъминловчи муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилинган ҳамда уларнинг ижроси изчил таъминлаб келинмоқда. Хусусан, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»-ги, «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»-ги, «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»-ги, «Мудофаа тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»-ги қатор қонунлар халқимиз осойишталигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Бугун бир нарсани унутмаслигимиз лозим. Мамлакатимиздаги осойишта турмушимизни кўз қорачиғидек асраш ҳар биримизнинг ҳушёр ва огоҳлигимиз. Ватан тақдирига дахлдорлигимизга боғлиқ. Партияимиз тизимида олиб борилаётган тарғибот-тушунтириш ишларида бу масалага алоҳида эътибор қаратишимиз талаб этилади.

➤ Давоми 2-бетда.

ЎЗХДП ҲАЁТИ

Юрт ардоғидаги кексалар

бугуннинг шукронаси билан яшамокда

Наманган вилоят партия кенгаши «Кексаларни эъозлаш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида кўплаб тадбирлар ўтказмоқда. Партия фаоллари ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари вилоятдаги табаррук отахону онахонларнинг хонадонларига бориб, учрашувлар ташкил этишляпти.

Яқинда партия фаоллари чортоқлик Омина Абдуллаева, Турдихон Саидахмедова, ойқиронлик Чинниҳон Қаймова, Ҳамрохон Абдурахмонова, Гул-

шан қишлоғидаги «Чорсу» маҳалласида истикомат қилаётган Соҳирахон Нуриддинованинг хонадонларига ташриф буюриб, ҳол-аҳволидан хабар олишди.

«Кексаларни эъозлаш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ҳамда ЎзХДП вилоят кенгаши ҳамкорлигида Сурхондарё вилоятининг кўплаб туманларида қатор тадбирлар ташкил қилинди.

Акция давомида Сароисиё, Узун, Қумқўрғон, Бойсун, Денов ва бошқа туманларда истикомат қилувчи 1 минг 100 нафардан ортиқ уруш қатнашчиси, меҳнат фахрийлари, ногиронлар, хотин-қизлар чуқурлаштирилган тиббий

қўриқдан ўтказилди. — Вилоят марказидан 250 километр олисда яшаймиз, — дейди Узун бирлашган шифохонасига қарашли «Хонжиза» тиббиёт бўлими бошлиғи, ЎзХДП фаоли Абдулла Муқимов. — Тоғ

— Саккиз фарзандим, 49 набирам бор, — дейди Омина момо Абдуллаева. — Кексалари ардоқланган шундай юртда яшаётганимга шукр қиламан. Ҳамиша юртимиз тинч, хонадонларимиз обод бўлсин!

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.


этидаги жойлашган қишлоқларда 3 минг 800 нафардан ортиқ аҳоли истикомат қилади. Халқимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш янада мустаҳкамлаш мақсадида мустақиллик йилларида шифохонамиз янгича қиёфа касб этди. Бундай кенг қўламли тадбирлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда мустаҳкам пойдевор бўлади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Корхона ва ташкилотлар эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ўрта махсус маълумотга эга бўлган кадрлар тайёрлаш амалиётини янада ривожлантириш зарур. Бунда иш берувчиларнинг ўқувчиларнинг юқори касбий малакасини кафолатловчи ишлаб чиқариш амалиётини самарали ташкил этиш борасидаги масъулиятини ошириш лозим.

ЎзХДП Сайловолди дастуридан.

ХУШҲАБАР



ЖАВОҲИР СИНДОРОВ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Таиландда шохмат бўйича мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Жавоҳир Синдоров олтин медални қўлга киритди.

Бугун дунё шохмат оламида юртимиз «ақл гимнастика»чилари алоҳида мавқега эга. Истеъдодли ҳамюртларимиз нуфузли мусобақалар — қитъа ва жаҳон чемпионатлари, жаҳон шохмат олимпиадасида мунтазам юқори ўринларни эгаллаб, мамлакатимизда вояга етаётган авлод дунёда ҳеч кимдан кам эмаслиги ва кам бўлмаслигини амалда исботлаб келмоқда. Жумладан,

Таиландда ўтган жаҳон чемпионатида ҳам бу ўз исботини топди.

Чемпионатнинг блиц — тезкор шохмат йўналиши бўйича ўн бир ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасидаги учрашувларда қатнашган Жавоҳир Синдоров таиландлик Аморн Жиараттаначароен, гонконглик Панг Хо Хуанг, филиппинлик Жастин Мордидо, мўлуис-тонлик Тенгис Цог-Очир, хитойлик

Бокай Янг, малайзиялик Хое Ках Чеах-ни мағлубиятга учратиб, озарбайжонлик Мирмусо Файзиев билан дуранг ўйнади. Якунда умидли шохматчимиз 6,5 очко жамғариб, шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилди.

Шунингдек, мазкур йўналишда етти ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида дон сурган яна бир ёш шохматчиси Ақобирхон Сайдалиев эса етти имкониятдан беш очко тўплади ва жаҳон чемпионатининг бронза медалига сазовор бўлди.

Эркин ХОЛБОБО

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

Инсон, халқ, миллат
тарихий хотира билан
тирик ва барҳаётдир



■ Маҳаллий партия кенгашлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти ҳақидаги таҳлилларнинг натижалари қандай?

МУНОСАБАТ

ТИНЧЛИКНИ КЎЗ ҚОРАЧИҒИМИЗДЕК АСРАШ КЕРАК



Дилором АБДУРАХИМОВА,
ЎзХДП Наманган
вилоят кенгаши раиси,
халқ депутатлари
вилоят Кенгашидаги
ЎзХДП гуруҳи раҳбари:



Олтибой РАЖАБОВ,
«Маҳалла» хайрия
жамоат фонди
Хоразм вилоят бўлими
бошқарувчиси вази-
фасини бажарувчи,
халқ депутатлари вилоят
Кенгашидаги ЎзХДП
гуруҳи аъзоси:

— Одамнинг ҳаётида шундай улук ва қадри саналар бўладики, йиллар ўтса-да, улар ўз мазмун-моҳияти, аҳамияти, азизлигини йўқотмайди. Хотира ва қадрлаш кун ҳар биримиз учун ана шундай муқаддас, табаррук саналардан биридир. Чунки шу кун нурфшон ҳаётимиз учун жон фидо қилганларга ҳурмат, уруш даҳшатларини бошидан кечириб, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган, бугунги фаровон ва осуда кунларга етиб келган қарияларимизга юксак эҳтиром кўрсатилади.

Президентимизнинг Хотира майдонида билдирган фикрларида вақт ўтади, замонлар ўтади, лекин Ватан озодлиги ва эркинлиги, эл-юртимизнинг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоя қилишда курашиб жон берган ўғлонларнинг номлари ва хотираси кўпни кўрган, ҳеч қачон ёвуз душман олдида бош эгмаган халқимизнинг ёдида умрбод,

абдий сақланишини алоҳида қайд этиб ўтди.

Бу сўзларни ўқир эканман, кўз олдимда байрам муносабати билан жойларда ўтказилган тадбирларда нуроний отахону онахонларимизнинг уруш даврининг суронли ва азобли кунлари ҳақида айтган гаплари, ҳикоялари ёдимга тушди. Бундай инсонлар чиндан ҳам биз учун жасорат, бурч ва матонат рамзидир.

Юртимизда жорий йил «Кексаларни эъозлаш йили» деб эълон қилиниб, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёши улук кишиларимизнинг соғлигини мустаҳкамлаш, турмуш шароитини яхшилашнинг уларнинг кўнглини кўтариш ниятида кенг кўламли ишлар бажарилмоқда. Шу муносабат билан бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, эъозлаш изчил ва кенг

кўламли олиб борилаётти. Президентимизнинг жорий йил 6 мартдаги «1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони асосида уруш қатнашчилари ва фахрийларга пул мукофотлари ва совғалар топширилди. Халқимизнинг одабийлиги, маънавий қадриятлари, олижаноб фазилатлари ана шундай улук кунларда янада яққол намойен бўлмоқда.

Президентимизнинг Хотира ва қадрлаш кунда билдирган фикрларини партия ташкилотларимизда ўрганиш ишларини йўлга қўйдик. Сўхбат чоғида илгари сурилган ғоялар мазмун-мақсадни партиядошлар ва электоратимиз вакиллари орасида кенг тарғиб қилишимиз зарур. Чунки бу фикрлар партияимиз дастурий мақсадларига мос бўлиб, электорат манфаатига хизмат қилади.

ВАҚТ ЎТАДИ,
ЗАМОНЛАР
ЎТАДИ, ЛЕКИН
ЭЛ-ЮРТИ-
МИЗНИНГ ТИНЧ
ВА ОСУДА ҲАЁТИ
УЧУН КУРАШГАН
ВАТАНДОШЛАРИ-
МИЗНИНГ
ХОТИРАСИ
ҚАЛБИМИЗДА
МАНГУ
САҚЛАНИБ
ҚОЛАДИ.

ЎзХДП БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРИДА

■ Тажрибадан маълумки, бошланғич ташкилотлар қанчалик фаол бўлса, сиёсий партиянинг жамият ҳаётидаги таъсир кучи шунча юқори бўлади. Шунинг учун мамлакатимиздаги барча сиёсий партиялар бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтиришга жиддий эътибор қаратмоқда. ЎзХДП тизимида ҳам ушбу масалада қатор ишлар амалга оширилган, муайян тажриба тўпланган. Бу борадаги айрим саволлар билан вилоят партия кенгаши етакчиларига мурожаат қилдик.

Партиянинг таъсир кучи

аввало, бошланғич ташкилотлар фаоллигига боғлиқ

— Бошланғич ташкилотлар фаолиятини бугунги кун талаблари даражасида ташкил этиш учун қандай ишлар олиб борилаётган?

Музаффар Туропов,
ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари:

— Қашқадарё вилоятида партияимизнинг 845 та бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Биз қуйи ташкилотлар ишини янгилаш ташкил этиш, ҳудудий партия ташкилотлари ва депутатларнинг қуйи бўғин билан ишлашга муносабатини ўзгартириш, етакчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий салоҳиятини юксалтиришга эътибор қаратяпмиз. Масалан, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида ўқувлар, эркин мулоқотларни кўпроқ ўтказиш, аъзоларнинг фикрларини тинглаш ҳамда муҳокама этишга кенг ўрин берилляпти.

Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партияимиз гуруҳлари аъзолари ҳамда бошланғич ташкилотлар етакчилари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш кун тартибидagi устувор вазифа этиб белгиланган. Хусусан, ҳар ойда ташкил этилаётган «Бошланғич партия ташкилотлари кунини»да депутатлар билан биргеликда бошланғич ташкилотларга бориляпти, улар фаолиятини, муаммоларни ўрганиляпти, таклифлар эшитилмоқда. Бу таклифлар депутатларимиз томонидан чуқур таҳлил этиляпти, электорат манфаати билан боғлиқ масалаларни доимий комиссия ва сессиялар муҳокама қилиб чиқишга асос бўляпти.

Шунинг учун бошланғич ташкилотлардан кўпроқ таклиф олишга ҳаракат қиляпмиз. Чунки улар ҳаётда, асосли таклифлар бера оладди.

— Бошланғич партия ташкилоти фаолияти қандай бўлиши кўп жihatдан етакчилар салоҳиятига боғлиқ. Етакчиларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ташаббускорлигини ошириш борасида бугун олиб борилаётган ишлар ҳақида нима дея оласиз?

Чори Жумакулов,
ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси:

— Партия фаолиятини жонлантириш, аввало, қуйи бўғин фаоллигини оширишдан бошланиши кўп тақдорланади. Ҳўш, қачон бошланғич ташкилотлар ташаббускор бўладди? Биринчи навбатда, бошланғич ташкилотларга ҳаракатчан, билимдон кишилар етакчи этиб сайланса. Айтайлик, турли тадбирларда, кундалик ҳаётда фуқаролар етакчилиги мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ислохотлар, сиёсий партияларга ғоя ва мақсадлари ҳақида савол беради. Етакчи сиёсий-ҳуқуқий билимли бўлсагина, уларга жавоб бера олади, одамларни ўз ортидан эргаштиради.

Шундан келиб чиқиб, ўқув-семинарларни ҳар бир бошланғич ташкилотда юқори савияда ўтказишга ҳаракат қиляпмиз. Вилоят партия кенгашидаги тадбирларга ҳам кўпроқ бошланғич ташкилот етакчилари таклиф этиляпти.

Очилишни айтиш керак, ўз фаолияти давомида бирор марта ҳам аниқ ташаббус ёки таклиф билан чиқмаган бошланғич ташкилот раислари ҳам йўқ эмас. Номига йиғилиш ўтказиш, номига етакчи бўлишдан кимга фойда? Айрим жойларда партиянинг асосий таянчи ҳисобланган бошланғич ташкилотлар билан вилоят партия кенгаши, ҳатто туман ва шаҳар кенгашлари алоқаси изчил йўлга қўйилмаган. Бу ўринда туман, шаҳар кенгашлари раҳбарларининг айби борлигини тан олмоғимиз керак. Бошланғич ташкилотлар фаолиятини таҳлил этиш, уларга ёрдам кўрсатиб беришга, кўп масалаларда қўзланган мақсадга эришиб бўлмайди, партиянинг таъсир кучини ошириш қийин кечади.

Шу боис ҳам айни кунларда етакчилар учун махсус семинарлар ташкил этишга тайёргарлик қиляпти. Унда ибратли тажрибаларни омдалаштириш масаласи ҳам кўзда тутилган. Шунингдек, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқувларни кўпроқ бошланғич ташкилотларда ўтказиш чоралари белгиланган. Бошланғич ташкилот қанчалик ҳаракатчан ва фаол бўлса, партияимиз дастурий мақсадларини амалга ошириш имконияти шунча кенгайди.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА тайёрлади.

ЁШЛАР БАНДЛИГИ

«Ҳаётда ўз ўрнимни топишни хоҳлайман»

Касб-ҳунар коллежларини битириб чиқаётган йигит-қизларнинг истаги шундай

Сўзга чиққанлар ислохотлар чуқурлашиб, бозор иқтисодиёти тамойиллари изчил жорий қилингани сари аҳолининг ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлашга талаб ҳам ортиб боришини алоҳида қайд этишди. Шунинг учун мустақил ҳаётга кириб келаётган йигит-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, уларнинг бу борадаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тараққиётимизнинг бугунги босқичида жуда долзарб аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратилди.

Семинар давомида оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган фуқароларга яратилган имтиёз ва шароитлар ҳақида ҳам ёшларга батафсил маълумот берилди.

Шарбат Абдуллаева,
ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:

— Янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар, аввало, ўша ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига хизмат қилади. Энг муҳими, бу орқали аҳоли турмуш даражаси юксалади, фаровонлиги ортади. Гап ёшлар ҳақида кетганда, шунинг унутмаслигимиз керакки, бугун коллежни битириб, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ҳар бир йигит-қиз давлат ва жамият олдидаги масъулиятини ҳис этиши кўп жihatдан уларга кўрсатилмаётган эътибор ва ғамхўрликка ҳам боғлиқ. Шу боис мамлакатимизда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш

масаласи ҳар доим кун тартибда туради. Аҳоли орасида банк хизматлари, кредит олиш тартиб-қоидалари, қонуний меҳнат қилиш бўйича тушунтириш-тарғибот ишларини кучайтириш бандлик масаласини ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга, албатта. Бу ишлашга иштиёқманд кишиларнинг ўзига, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга ишончини кучайтиради.

Мазкур вазифалар бевоқиф дастурий мақсадларимизга ҳаммаҳанг бўлгани боис, партияимиз ҳудудларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш жойлари ташкил этиш, ташаббускор фуқаролар, ёшлар, айниқса, касб-ҳунар коллежи битирувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтисодий-ҳуқуқий соҳадаги билимини оширишга алоҳида эътибор қаратяпти. Биз бундай тадбирларни мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам тизимли тартибда ўтказишни режалаштирганмиз.

Ирода Қосимова,
«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки республика бошқаруви кредитлаш департаменти бўлими бошлиғи:

— Ўз оиласи фаровонлигига ҳисса қўишни истаган ҳар бир одам меҳнат қилишни истади. Айримлар соҳа имкониятларидан қандай фойдаланишни билади. Аммо яратилган қўлайлик ва мустақил иш бошлашнинг ҳуқуқий асосларидан тўла хабардор бўлмаганлар ҳам оз эмас. Аввало, айтиш керакки,

ёшларимиз ўз ишини очиши учун йирик сармоя эгаси бўлиш шарт эмас. Чунки бугун ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлганлар учун солиқ, кредит ва бошқа соҳаларда қатор имтиёз, кафолатлар яратилди. Касб-ҳунар коллежи битирувчиси бизнес-режа асосида исталган банкдан имтиёзли кредит олиб, ўз бизнесини бемалол йўлга қўиши мумкин. Айрим ҳолларда ёшларда иш бошлаш ғояси бўлади, лекин бизнес-режа қандай тузилиши ҳақида етарли тушунча бўлмайди. Шунинг учун уларга тадбиркорлик ишини йўлга қўишининг барча жараёнлари ҳақида маълумот бериш учун консалтинг хизматлари фаолияти йўлга қўйилган.

Эрдон Гадоват,
вилоят давлат Солиқ бошқармаси масъул ходими:

— Солиқ кодекси ва Президентимизнинг тегишли қарорларига мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қатор солиқ имтиёзлари белгиланган. Масалан, Солиқ кодексининг 375-моддасига қиритилган ана бир муҳим янгилик касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун қўлай имконият яратяпти. Яъни, 2015 йилдан бошлаб, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари коллежни тамомлагандан кейин ўн икки ой ичида янча тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган тақдирда, давлат рўйхатидан ўтган санадан эътиборан қатъий белгиланган солиқни тўлашдан олти ой муддатга озод этилади. Бу янги иш



ўринлари яратиш, хусусан, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришнинг муҳим ва қўлай кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Саида Жўраева,
ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:

— Албатта, юқорида солиқ бошқармаси ходими тўғрисида таъкидлаб. Бугун микрофирма ва кичик корхоналар ҳамда фермер хўжаликлари учун солиқ юки йилдан-йилга камаймоқда. Касб-ҳунар коллежини тугатиб, ўз ишини энди бошлаган тадбиркор ёшларимизга қатор имтиёзлар бериляпти. Буларнинг барчаси янги ва барқарор иш ўринлари ташкил этилишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг

учун қонунчилигимиздаги янгиликлар, яратилаётган имконият ва қўлайликлар тўғрисида фуқароларга кенг тушунтириш беришимиз керак.

Бироқ шу ўринда ана бир масалани ҳам таъкидлаб ўтмасдан бўлмайди. Гап шундаки, айрим ҳолларда жойларда тадбиркорликни ривожлантиришга масъул кишилар, баъзан банк ходимлари ўз ишига етарли даражада масъулият билан ёндашмаяпти. Партияимиз кенгаши қошидаги Жамоатчилик қабулхоналарида депутатларга бу ҳақда мунозаҳарлар бериляпти. Барча туман ва шаҳарлардаги партияимиздан сайланган депутатлар бу масалага алоҳида эътибор билан қарашларини сўрадим.

Тадбир доирасида аҳолига банк хизматларини кўрсат

тиш, кредитлар беришга доир банк кўрсатмаси ҳам тақдим этилди. Шунингдек, партиядан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар, партия фаоллари иштирокида кўма Жамоатчилик қабулхонаси ташкил этилиб, аҳолидан тушган мунозаҳарларни ҳал қилиш бўйича чора-тадбирлар белгилан олindi.

Тадбирнинг фойдали бўлигини иштирокчилар алоҳида қайд этишди. Кимдир сертификат олиб, энди ўз ишини йўлга қўишидан мамнун бўлса, ана кимдир мустақил ишини бошлаши учун керакли маслаҳат олгандан, ўзига ишонч ошгандан хурсанд...

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



■ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР ИМКОНИЯТИДАН ИЗЧИЛ ВА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНГАН ПАРТИЯГИНА АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШАДИ, ЭЛЕКТОРАТГА ЯҚИН БЎЛИБ, УНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ. ШУ БОИС ҚУЙИ БЎҒИН ФАОЛИЯТИНИ БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ ДАРАЖАСИДА КУЧАЙТИРИШ ПАРТИЯМИЗ ОЛДИДАГИ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРДАН БЎЛИБ ҚОЛАВЕРАДИ.



■ АҲОЛИ БАНДЛИГИ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ, КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, УМУМАН, БАНДЛИК МАСАЛАСИ ПАРТИЯМИЗ ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛИШИДА МУҲИМ ҲУСН ТУТАДИ. ШУНИНГ УЧУН ЎЗХДП ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДАГИ ПАРТИЯ ГУРУҲЛАРИ БУ БОРАДА УЧРАЁТГАН КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ТАШАББУС КЎРСАТИБ, ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДАГИ ҲАМКОРЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛМОҚДА.

Бирисин ой англа, бирисин куёш...

Жиззахлик 80 ёшли Бекназар ота ва 75 ёшли Улжон онанинг ибратли ҳаёти ҳақида

■ Ўтган йилнинг охири эди. Неваралари-га эртақ айтаётган Улжон аяни ташқарида эшитилган машина товуши ва ўғли Ойбекнинг таниш овози сергаклантирди. «Тинчликми-кан?» дея ўрнидан кўзгалди. Эшик олдида ўғлига дуч келди. Ҳамиша оғир-вазмин юрадиган Ойбекнинг бу гал ҳаяжонланиб турганини кўриб, хавотири янаям ортди.

— Яхши хабар келтирдим, ойижон, — деди Ойбек она-зорнинг кўнглидан ўтганини сезиб. — Ҳозиргина бир ўртоғим телефон қилди. Рамиз укам халқаро танловда ғолиб бўлибди.

— Шундай демасанми, жон болам, — онанинг кўнгли хотиржам тортиди. — Ҳаёлим минг кўчага кириб чиқди-я, бор бўлгур.

Улжон аянинг кўзларида севинч ёшлари қалқди. Ахир, унинг ўғли, чекка бири қишлоқда ўсган бола бугун халқаро танлов ғолиби, энг яхши тенор овоз эгаси, деб тан олинса, Она учун бундан ортиқ бахт борми?

2014 йилнинг 10-18 декабрь кунлари Беларусь мамлакати пойтахти Минск шаҳрида ўтказилган ёш вокалчилар халқаро танловида иштирок этган ва Гран прини кўлга киритган Ўзбекистонда хизмат

кўрсатган артист Рамиз Усмонов оиланинг кенжа фарзанди. Унинг олти нафар акаси, уч нафар опаси бор. Ота-она ҳаммасини оқ ювиб, оқ тарашди, эсли-хушли, одобли-ахлоқли қилиб тарбиялашди. Бугун уларнинг барчаси олий маълумотли, ҳаётда ўз ўринларини топган.

Бекназар ота билан Улжон она Мирзачўлни ўзлаштирувчилар сафида Сирдарё ҳамда Жиззах вилоятларида янгидан ташкил этилган кўлаб туманларда меҳнат қилишди. Уй-жой етишмаслигидан ертўларда, вагон уйларида яшашди. Қишнинг аёзларию, ёзнинг жазирамаларига бардош берилди. Гоҳ у ҳўжаликка, гоҳ бу ҳўжаликка кўчиб юришсада, нолимадилар. Меҳнатни, сабр-тоқатни ҳаётларининг мазмуни деб билишди. Бу ҳақда Бекназар ота шундай дейди:

— Эҳ-хе, не-не оғир дамларни бошимиздан ўтказмадик. Бир бурда қотган нонга зор қолган пайтлар ҳам бўлди. Ҳаммасига чидадик. Яхши кунлар келишига ишониб яшадик. Шукроналар бўлсинки, бугунгидай дорилонмон, фаровон ҳаётни кўриш насиб этди. Истиқлол шарофати билан овоз ва обод юртимиздаги бахтли оилалардан бирига айландик.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилида Юртбошимиз фармони билан Бекназар Усмоновга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном» унвони берилди. Бу унвон умри далада ўтган, пахтани,

Ёшларга, фарзандларимизга, неварачевараларимизга яратиб берилётган шарт-шароитлар, имкониятларга қаранг. Бир пайтлари биз ўқиган мактаблар билан ҳозирги мактабларни таққослаб кўринг.

галлани деб ҳузур-ҳаловатидан кечган заҳматкаш инсон меҳнатларининг эътирофи эди.

— Бу оилани кўпдан бери биламан, — дейди «Нуроний» жамғармаси Дўстлик туман бўлими раиси Омон Қувватов. — Ҳавас қилса арзигulik фарзандлар оиланинг соғлом муҳитида камол топишлари учун бугун ота-оналари ҳурматини жойига қўйишмоқда.

— Мустақиллик бизга берилган энг улуг, энг қадрли неъмат, — дейди отахон. — Уни кўз қорачигидай асраб-авайлашимиз, қадрлашимиз керак. Истиқлолга биз ким эдик? Эндичи?.. Ёшларга, фарзандларимизга, неварачевараларимизга яратиб берилётган шарт-шароитлар, имкониятларга қаранг. Бир пайтлари биз ўқиган мактаблар билан ҳозирги мактабларни таққослаб кўринг. Бугунгидай бунёдкорликлар, ўзгаришлар, янгиланишларга эътибор беринг. Шаҳару қишлоқларимиз, уй-жойларимизнинг кўрку тароватини айтмайсизми? Ўтган йили қишлоғимиздаги оқсоқоллар билан Бухорога зиёратга бордик. Самарқандда, Навоийда, Бухоро шарифдаги бунёдкорликларни ўз кўзимиз билан кўрдик. Тинч осмон остида,



осойишта, фарзандларинг кўршовада, неварачевараларинг даврасида умригузаронлик қилиш аслида пиру бадавлатлик, ҳаётдан рози бўлиб яшамоқнинг белгиси эмасми?

Дўстлик туманидаги «Олтин водий» қишлоғининг чеккасида жойлашган Бекназар ота билан Улжон она истикомат қилаётган ҳовли ҳар доим саранжом-сариштали. Тартиб билан экилган доврахтлар, анвойи гуллар, райхону жамбиллар ўзгача тароват, фойз бағишлаб турибди. Ҳовли этагидаги ариқчада оқаётган сувнинг жилдираши, бири қўйиб, бири сайраётган қушлар овози

Бошни фидо айла, ато қошига,
Жисми қил садқа ано бошига
Тун-кунунга айлагали нур пош,
Бирисин ой англа, бирисин куёш.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.
Суратда: Бекназар ота ва Улжон она чевараси билан.

СПОРТ

■ Қатар пойтахти Доҳада енгил атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати ўтказилди. Унда ҳамюртларимиз икки олтин ва бронза медалларига сазовор бўлди.

ЕНГИА АТЛЕТИКАЧИЛАРИМИЗ ЮТУҒИ

Нуфузли мусобақада Сафина Саъдуллаева баландликка сакраш бўйича 1,71 метр натижа қайд этиб, шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилган бўлса, яна бир вакилимиз Владислав Полонин найза улоқтириш баҳсларида 79,1 метр натижани қайд этиб олтин медални кўлга киритди.



Еттикураш беллашувларида Александр Юркевская (4629 очко), уч хатлаб сакраш баҳсларида Виктория Дирдина (12,34 м.) бронза медаллари билан тақдирландилар.

Самандар БОБОРАЖАБОВ,
ЎЗДЖТУ талабаси.

РЕКЛАМА

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» MCHJ

2015 йил 4, 11 ва 18 июнь кунлари бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидagi очик аукцион савдоларини ўтказад

Очик аукцион савдоларида Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2014 йил 8 июлдаги 10-1412/8549-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топишган, тугатилаётган «Агро улгурй савдо инвест» МЧЖ балансидаги умумий бошланғич нархи 47 099 731,8 сўм, 9 ўрамдан иборат 4,804 тонна бўлган «PHARMA-60-P 100-YGL» русумли «Елимли қоғоз» (самокле-лющая бумага) ҳамда Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2014 йил 14 октябрдаги 10-1413/12480-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топишган, тугатилаётган «Yo'ldosh-qiluvchi» шўъба корхонаси балансидаги умумий бошланғич нархи 14 111 382 сўм бўлган қуйидаги мол-мулклар арзонлаштирилган нархда **ТАҚРОРИЙ РАВИШДА** қўйилади:

№	Номи	Ишга тушган вақти
1	Ноутбук ASUS Aspire 3618A WLCFI 15,4 WXGA Crystal Brite TFT LCD, Intel Pentium M735A, 1,7 GHz, 40 Mhz, FSB, 2MB L2 cache, Media Accelerator 900, 60 GB, 5400 rpm, 512 MB, Super dual, 802.11 b/g wireless, DVD/CD/RW Combo, — 1 дона	03/2010
2	Компьютер Pentium-4, DVD/RW, DDR 512 MB, 1 GB, HARD 160 GB LCD монитор 18,5, Клава ва сикночка «Genius» — 1 дона	08/2011
3	Принтер Samsung ML-1210 — 1 дона	12/2011
4	Пайвандлаш ускунаси ARS-315 — 1 дона	07/2011
5	Пайвандлаш ускунаси TDM-317 — 1 дона	09/2011
6	Дастурий мажмуа (Программный комплекс) ABC-4 — 1 дона	07/2011
7	Компьютер Pentium-3, DVD/RW, DDR 512 MB, 512 GB, HARD 160 GB LCD монитор 17,5 Клава ва сикночка «Genius» — 1 дона	08/2011
8	Компьютер Pentium-3, DVD/RW, DDR 1 GB, HARD 160 GB LCD монитор 17,6 Клава ва сикночка «Genius» — 1 дона	12/2011
9	Иш столи — 7 дона	12/2011
10	Китоб жавони — 3 дона	12/2011
11	Кийим жавони (гардероб)	12/2011
12	Аматура Д-12/М т. — 1,255 т.	07/2011
13	Офис столи — 1 дона	12/2011

Шунингдек, Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2014 йил 29 апрелдаги 10-1404/5737-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топишган, тугатилаётган «Glogetto» хусусий корхонаси балансидаги қуйидаги заргарлик буюмлари **ТАҚРОРИЙ РАВИШДА** қўйилади:

№	Заргарлик буюмининг номи	Аслик даражаси (проба)	Сони	Умумий оғирлиги (грамм)	Бошланғич нархи (сўм)
1	Бриллиант қўли узук (д/ко 0,82 кр. 2/4)	583	1 дона	2,09	4 680 000
2	Бриллиант қўли қалин узук (перстень) — (1 дона 0,93 кр. бр., 4 дона 0,05 кр. бр. 2/2)	583	1 дона	7,26	5 850 000
3	Бриллиант ҳамда зумрад қўли узук (д/л 0,68 кр., 2 дона 0,06 кр. бр., 9,23)	583	1 дона	9,23	7 020 000
4	Бриллиант қўли узук (1 дона 0,64 кр. бр., 2 дона 0,20 кр. бр.)	750	1 дона	6,43	6 435 000
5	Бриллиант ҳамда зумрад қўли узук (14 дона бр. ЕМ 1,3 кр. д 14 0,60 кр.)	583	1 дона	8,15	4 680 000
6	Бриллиант ҳамда ёқут қўли зирак (2 дона ёқут д 1,20 24 дона 8Р 135 кр.)	583	1 жуфт	10,11	4 680 000
7	«GENEVE» quartz маркали соат (14 дона 0,20 кр. бр.)	750	1 дона	64,84	14 040 000
8	Агат ва бриллиантдан иборат муноқ	583	1 дона	26,92	4 680 000

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

ООО «KRANTAS»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

АВТОЦИСТЕРНЫ-БЕНЗОВОЗЫ (МАСЛОВОЗ, НЕФТЕВОЗ) НА ШАССИ «ISUZU» или «MAN» ОБЪЕМОМ 4м³, 8м³, 10м³, 12м³ и 16м³

АВТОЦИСТЕРНА ДЛЯ ПЕРЕВОЗКИ ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ НА ШАССИ «ISUZU», «MAN» 4м³, 8м³, 10м³, 12м³

КОМБИНИРОВАННАЯ ПОЛИВОМОЕЧНАЯ МАШИНА НА ШАССИ «ISUZU» или «MAN» ОБЪЕМОМ 4м³, 8м³ и 12м³

ВАХТОВЫЙ АВТОБУС НА ШАССИ «КАМАЗ» или «MAN» (4x4) или (6x6) 18-24 ЧЕЛОВЕК

АВТОГУДРОНАТОР НА ШАССИ «MAN» или «ISUZU» 6 м³, 8 м³, 12 м³

АВТОЦИСТЕРНА-КИСЛОТОВОЗ НА ШАССИ «ISUZU» или «MAN» 6м³ или 10 м³

Телефоны: (0-371) 262-97-78, факс: (0-371) 262-23-61, (+99890) 187-52-05, (+99890) 315-99-17 www.krantas.uz, email: krantas@inbox.ru, ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН.

ЭЪЛОН

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ ВА ФИРМАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ЎзХДП логотипи туширилган кўкрак нишони(значоклар) тайёрлаш бўйича танлов эълон қилади

Танлов 5 000 (беш минг) донна партия логотипи туширилган кўкрак нишони(значоклар) тайёрлаш бўйича ўтказилади.

Буюртма белгиланган вақтда ва сифатли тайёрлаб берилиши лозим. Танловда қатнашиш учун талабгорлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 30 кун ичида ўз тижорат тақлифлари билан қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5/3. Тел./факс: 0(371) 239-13-20, 239-18-49.

Электрон почта: info@xdp.uz

«Qadriyat» газетаси таҳририяти жамоаси газета Бош муҳаррири ўринбосари Узуьжамол Назаровага волидаи муҳтарамаси

МАМЛАКАТ аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.

Korxonalar manzili: Buxor ko'chasi, 41-uy.

Gazeta offset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 559
17968
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 22.10
Toshirilgan vaqti — 23.45

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

